

Ёшларнинг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

ТУРКИСТОН

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 23 март • Сешанба • № 34 (14062)

تورکستان

TURKISTAN

Нархи 5 сўм.



Дунёда неки фазилат, неки ахли хислат бор — барини Наврўзга сифат бериб, орзиқиб кутган оиларимиздаги келдики Истиклолга эришган овоз Ватанимизда пойтахт Тошкентнинг Халқлар Дўстлиги майдонда Наврўз тантаналарига оқ фотка бериб, оқ йўл тиланишимиз ҳам раъзий маъносини, ҳикмати бор. Зотан, кўш зийси билан йўригилган Ўзбекистон заминидан юздан орзиқ амиллат вақиллари елкама-елка туриб, истиқлолимизни мустақамлаш йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил одамларимиз. Халқлар Дўстлиги майдонидан тантаналарда юртимиз меҳнат аҳли тинчлик ва тотувлигини нечоғли ардоқлаётгани, азалий анъаналари, урф-одатларини янги мазмун билан бойитиб, асраб-авайлаб келаётгани яна бир бор намоён бўлди.

Юртимда соз чалар Наврўзи олам...

21 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТАДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ МАЙДОНИДА НАВРЎЗ ТАНАНАЛАРИ БОШЛАНДИ

Халқлар Дўстлиги, Фуқарат кўчалари билан Ўзбекистон шохқўчаси кесилган жойдаги улкан майдон беназир кўрки ва салобат ила кишини ҳайратга солади. Бугун у байрамона безатилган. Турфа рангли байроқлар, санъаткор қизлар кийган сержило миллий либослар уйғунлашиб, мисли чаманзорга айланган. Айниқса Хадра томондан назар ташласангиз, майдон тўғрисида қад ростлаган бино бағрини очиб, меҳмонларни чорлаётгандек туюлади. Қошона пойнда, мрамар зинаполлардан тушаверишда чорполлар ўрнатилган. Бахвал кўрпачалар ёзилган, неча-неча наврўзларни қаршилаган ота-хонлар парестикларга суюниб, савлат тўйиб ўтирибди. Рузани Рамазон сабабли хонхаталар

бугдой майсалари баҳор чечаклари, долалар билангина безатилган...
Соат миллари 11 ни кўрсатади. Халқлар Дўстлиги саройининг ойнаванда зийлилари очилди, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Республика Олий Кенгашининг расиси Шавакат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Республика Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Адхам Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар чиқиб келадилар. Ислам Каримов отахонлар хузурига йўл олади. Юрбошимиз пойтахт маҳаллалари оқсоқолларини, улар сиймосига тошкентликларни, бутун республика аҳлини Наврўз айёми билан мубо-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Амриқо халқи номидан Сизни ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросини улуғ айём — Наврўз билан муборакбод этаман. Янги йил ўзбек халқига яна шунинг учун ҳам гуллаб-йишнаш, яшарлиқ фазлидирким. Сиз бу улуғ айёмни иккинчи марта мустақил давлат сифатида байрам қилаётирсиз. Амриқо Қўшма Штатлари истиқлолимизга, эгамелигинизни ҳамда ҳақиқий демократия, эркин бозор иқтисодиёти йўлида саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайди. Оғир синовлар, қийинчиликларга дуч келаётганингизни биламиз, эзгу ниятларингиз ижобат топиши йўлида сизлар билан ҳамкорлик қиламиз деган умиддамиз.

Янги йил сизга ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросига тинчлик ва равақ бахш этсин.

Эҳтиром ила,

Билл Д. КЛИНТОН,

Амриқо Қўшма Штатлари Президенти,
Вашингтон.



тилмас тавассурот қолдирди. Шу лаҳзаларда майдонга назар ташласангиз, ўзингизни фазил баҳор оғушида, раққосу раққослар, хонандаю созанда-лар даврасида — халқ ижодиётининг битмас-туганмас чамаси қошида тургандек ҳис этасиз.

Халқаро дўстлиги майдонининг ҳар икки томонга Тошкент туманларининг савдо расталари ўрнатилган. Такта-сулар бадий ҳаваскорлар иштироғига бериб қўйилган. Байрамнинг асосий тантаналари сарой пойндаги сахнада кечса-да, бу ердаги жамоалар ҳам байрам руҳини янада бойитишга ҳизмат қилмоқда.

[Давоми 3-бетда].

Айёмингиз муборак!

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳий!

Жумлан жаҳон мўмин-мусулмонлари учун азиз ва муқаддас бўлган саналардан бири Рамазон ойидир. Исломо таълимотига қўра, қарийб ўн тўрт асрдан буён башариётни рушду ҳидоят йўлига даъват этиб келаётган Қўрьон Карим мана шу муборак Рамазон ойида нозил бўлган. Шу боисдан ҳам Рамазон ойи муқаддас, бу ойи мусулмончиликнинг асосий рухларидан бири — руза тутиш фарз этилган. Бу руҳи ҳам, албатта, Исломо динининг бошқа асосий устуларини сингари ўз-ўзидан шақлланмай, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ тарихий босқичларда юзага келган.

Исломо таълимотига қўра, руза ойининг жорий этилиши тарихига назар ташлар эканмиз, қуйндагиларини таъкидлаш лозим: мелодий ҳисобининг 622 (ҳижрийнинг биринчи) йилида пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Маккаи мукаррамалдан Мадина мунавваралга ҳижрат қилганларида бу маскан аҳолиси орасида ашуро (муҳаррам ойида ўн кун руза тутиш) одат бўлган. Кейинчалик, андиқроғи, пайгамбаримиз алайҳиссалом ҳижратларидан сўнг 17—18 ой ўтгач, яъни 623-йилнинг охирида унинг ўрнига Рамазон ойида ўттиз кун руза тутиш фарз қилинди.

Руза тутиш катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга молик. Пайгамбар алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан бирида — «Уч кишининг дуоси рағд этилмай қабул бўлади: оғиз очаётган рузадорнинг дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ жабор қўрган кишининг дуоси», — дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғли буюклигига яққол далилдир. Мавриди келганда шунини айтиб ўтиш керакки, муборак Рамазон ойида руза ибодатидан бошқа яна бир қанда муҳим тарихий воқеалар ҳам қайд этилади. Шулардан энг муҳими — Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кеча — «Лайлатул қадр» (тақдир кечасидир. Исломо таълимот асосини ва саҳобалар шаҳодатига, Қўрьон карим айнан шу «Лайлатул қадр» тундида илк марта нозил бўлган. Бу ҳақда муқаддас китобда ҳам очик-ойдин баён қилинган. Бу тун йилнинг энг яхши кечасидир. «Лайлатул қадр» улуғ айём сифатида алоҳида нишонланади. Муқаддас атилла-нинг боси ҳам шундандирки, Қўрьон каримнинг «Ал-қадр» сурасида «бу кечанинг фазилати минг ойдан ҳам афзалдир», дейилган. Рамазон ойида, шунингдек Исломо тарихида муҳим ўрин тутган воқеалар силсиласи содир бўлган. Улардан 6-Рамазон — Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси имом

Хусайн туғилган кун, 10-Рамазон — Муҳаммад алайҳиссаломнинг биринчи завжан муҳтарамлари Хадича онамиз вафот этганлар, ўн еттинчисининг тонига машҳур Вадр жанги бўлган ва ўша кунин Пайгамбар алайҳиссаломнинг Маккаи мукаррамалга музаффар кирган кунларини ва бошқа тарихий воқеаларни санаб ўтиш мумкин.

Ўттиз кунлик рузанинг хотима топиши, мана, дегарли 14 асри, бутун Исломо оламида Рамазон (бизда у Руза хайити ёки Йилди ал-фитр — оғиз очиб байрам номлари билан ҳам юртлади) хайитига боғлиқ махсус тантанали маросимлар билан нишонланади.

Руза хайитининг жорий этилиши тарихи ҳақида ҳам пайгамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари бўлиб, ватандошимиз, буюк муҳаддис олим Абу Исо ат-Термизий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Пайгамбар алайҳиссалом Мадина мунавваралга келганларида воқиф бўлди, киши кун йил-кулгу, ҳурсандчилик билан машғул бўлар экан. Шунда расулulloҳ «бу икки кунда ўйин-кулгу қилишнинг боси нимада?» — деб сўрадилар. Улар «бу икки кунда биз жоҳилия давридан бошлаб хурсандчилик қиламиз», деб жавоб

[Давоми 2-бетда].

Ҳоким ҳам ўйнади, халқ ҳам ўйнади

«ТУРКИСТОН»ЧИЛАРГА ҲАМ ЗАФАРОБОД ТУМАНИ ЧУЛҚУВАРЛАРИНИНГ НАВРЎЗ ШОДИНАЛАРИГА ШЕРИК БУЛИШДИ

«ТУРКИСТОН»ЧИЛАРГА собиқ «Еш Ленин»дан яхши бир одат мерос қолган. Улар ҳеч қачон байрамларида уйда ўтказмайдилар. Ҳамиша ўз муштарийлари хузурида, уларнинг хизматига бўлишга интилади-лар. Шу сабаб бўлса, керак жамоатини байрамларида ахши кўради. Улар қарларда бўлишмаган дейсиз. Бу ёри Эллиқалга, у ёри Ришонт... Санаб адоғига етолмасан киши. Бу галги Наврўзи эса улар Жиззақ вилояти Зафаробод тумани чулқуварлари билан биргаликда нишонладилар. Туманда ҳам Наврўз, ҳам «Туркистон» кунлари байрам қилинди. Бу сафар «Туркистон»чиларга Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг масъул ходимлари ҳам ҳамсафар бўлишди. Келинг, ахши бир бошидан бошлайлик...

Зафаробод пахта тозалаш заводи меҳнаткашлари хузурида бошланди. Бу ерда ажойиб дастурхон қилиниб, унга ўзбекистоннинг минг бир таомини тортилган десак, лоф бўлмайди. Кўк сомса, кўк чучура, гиландин, тумбарак... Эҳе, санаб саноғига, керак адоғига етолмайсан уларни. Завод қошида хонанда Ашур Тошназаров етакчилиги қилётган «Нихол» бадийи ҳаваскорлик ансамбли аъзоларининг куй ва қўшиқлари даврага фойз киритди. Албатта, бундай пайда «Туркистон»чилар ҳам қараб туришмайди. Узлари билан хонандаю, созанда олим юрши ҳам уларга авалдан одат. Бу гал жамоатимизга ёш, умидли хонанда Муҳтор Ашрафий номиданги Тошкент Давлат консерваторияси толиби Ғайрат Ёқубов йўлдош бўлган эди. Бир санъаткор қўшиқ айтганда, иккинчиси ҳеч қачон қараб туролмайди. Меҳзон ва меҳмон кўшиқчилар орасида ижобий ва ижодий беллашу бошланди кетди. Қўшиқ куйга, куй рақсга уланди. Уйнамаган одам қолмади, ҳисоб.

Баҳор азел-азалдан шоирлар ижодига сарчашма бўлиб хизмат қилган. Ўзбек тумна шоир, тумна шеърлараст хали. Устоз Ҳожи Абдулло Ориф беркорга «Хар икки набиранг бири Алишер», деган ўтлу сатрларни битмаган. Давра шоирлар «ихтироғи» ўтди. Шоира

Булажак шифокорлар адеми
Тошкент Давлат 1-тиббёт илмгоҳида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари уч кун давом этди. Талабалар томонидан натта дошқозонда сумалак пишириди. Илмгоҳ стадионда спортнинг бир неча тури бўйича беллашулар бўлиб ўтди. Чилонзордаги талабалар ётоқхоналарида ош тарқатилди. Наврўзининг аянлоғи қисмига эса жузда қўллаб меҳмонлар тақлиф этилди.


Биринчи учрешу Аллаёр Серимсоқов раҳбарлик қилётган

Туман ҳокимлигиндан, илмгоҳ меҳнат фахрийларидан айримлари бу ерга таширф буюрдилар. Байрам тақийлиги қўмитаси расиси, илмгоҳ ректори Т. О. Даминов йилги-гадиларини Наврўз айёми билан тақриблиб, ҳаммага байрам кайфиятини тилади. Ўзбекистон халқ шоираси Х. Худойбердиева, санъаткорлар С. Удаева, Р. Қўрбонқовлар шеър ва қўшиқлари билан даврани қизитдилар.

Тошкент Давлат 2-тиббёт илмгоҳида Наврўз байрамини илмгоҳнинг «Шофойи» гуруҳи ўз қўшиқлари билан бошлаб берди. Булажак шифокорлар ётоқхона ҳовлисида қилинган жой ва тақриланган майдон бир зумда меҳмонлар билан тўлди.

Полковлар беллашуви, тош кўтариши, арқон тортиши наби азалий ғуламлар бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ташкилий қўмита, талабалар насаби уюшмаси томонидан фаол иштироқ этганларга миннатдорчилик билдирди. Соғлиқни сақлаш вазирилик, ҳокимият вақиллари, меҳнат фахрийлари тақдирда меҳмон бўлишди. Шу кунин сумалак ва ош тортиди. Байрам узок давом этди.

Нодир МАХМУДОВ.



ЎЗ
ҚУТЛОВ
Бисмиллоҳир раҳмонир роҳий!
Азиз ватандошлар! Сизларни Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг улуғ фарзандларини билан Руза байрам шарифи ойлари ниҳолсизга етиб, бугун бутун мусулмон оламида нишонланадиган Ийд-Рамазон байрами билан бу ердаги барча элдошлар номидан чин қалбимиздан муборакбод этамиз.

бекистон мамлакатининг келажига йўлида жумхурият Ислам Каримов атрофида ижтисомлаш, янги зафарлар кичиш йўлида сизларга битмас-туганмас куч-қувват, соғлиқ тилаб қоламиз.
Аҳад Али
ТУРКИСТОННИ,
Саудия Арабистонин, Жидда шаҳри.

Қадри юртдошлар! Ватандан узокда туриб бўлса ҳам Сизларни севиниб газиламиз «Туркистон» орқали Ийд-Рамазон хайити билан муборакбод этаман. Сизлар билан овоз ва мустақил юртинизда ҳар доим учрашиб туриш бизга насоб этсин.
Собур САЙХОНЛИ,
Туркия Республикаси, Истанбул.

саломатлик» жамғармаси (ЭКОСАН) ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ташаббус билан чиққан эди. Наврўз айёми кунда ана шу бошқа асос солинди. Илк мавали дарахт кўчатлари ўтказилди.
— Бу боғ талабалар учун энг гузал манзилгоҳ бўлади, — дейди «ЭКОСАН» жамғармаси Президенти, профессор Юсуф Шодимов. — Биз боғининг ўзига хос лойиқасини яратамиз. У чиндан ҳам ҳар томонлама ягона сайнгоҳ бўлади.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби А. Орзиматов, шаҳарча хонани, олий билимгоҳларнинг муаллимлари, талабалар ва бошқа ёшлар етакчилари бошқа илк раъзий кўчатлар ўтказдилар.
«Туркистон» мухбири.


Вазирлар маҳкамаси «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда айрилиқчи, автотранспорт воситалари кинга тегишли бўлишдан қатъи назар бўлиб қолган руҳи томонда йўлдошлар бўлса, 1993 йилнинг 1 мартидан руҳатга олинишига, 1993 йилнинг 1 июлидан эса улардан фойдаланишига йўл қўйилмайдиган. Бинобарин, шунга қўра шу йилнинг 1 июлига автотранспорт воситаларининг руҳи бошқарув жойлашинини тартибга солишнинг стандартини ишлаб чиқиш тегишли тақдирлар зиммасига юклатилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат божиноа қўмитаси ва Молия вазирлигида фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган хорижий марказдаги транспорт воситаларига вақтинчалик бошларнинг став-

каларини мувофиқ равишда қўлайлигини қайта кўриб чиқиш топширилди.
САВОБГА ҚЎЛ УРИЛДИ
Наврўзи олам шодибнаси Тошкент Давлат иқтисодий университетига ҳам ўзига-чига файзу тароват билан ўтди. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янграб талабаларни, ўқитувчи-профессорларни, маҳалла аҳлини байрам шодибнасига чорлади. Қуй-қўшиқлар янгради, ўйин-кулгу авнига чиқди.

Байрам сайлида анъанага мувофиқ кўчат ўтказиш тадбирлари ҳам бўлиб ўтди. Айтин мумкинки, ректор С. Ғуломов бошчилигида ўтказилган бу юмш дебодаси 13 мартга тақалладиган умумхалқ хашарининг давоми бўлди.
Шу кунин яна бир саваб ишга қўл урилди. Ногиронлар, қам таъминланган оилалар, қарорчисини йўқотган талабаларга 1000 сўмдан





[Боши 1-бетда].

Муқаддас Абдусаматовнинг ибто, ҳаё ва қадим урф-одатлариники тарғиб этувчи дилдорлар сатрлари, Замира Эгамбердиеванинг муҳаббатни улугловчи ёнқ шеърлари ҳамда шoir Абдулла Турдиевнинг Наврўзга бағишлаган қасида-си, улкан адиб, истеъдодли давлат арбоби Шароф Рашидов хоҳирасига эхтиром сифатида битилган шеърлари аҳли давранинг олқишига сазовор бўлди.

Наврўзни саҳийлик, меҳруқибат, хайру-эхсон, адолат ва шафқат тантана қиладиган кун, дейишади. Ҳамма бир-бирига меҳру-муруват кўрсатади бу кун. Бу кун етим-есирларнинг боши силанади. Муҳтожларга ёрдам қўли чўзилади. Жамоамизга ҳамроҳ бўлган Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси саркофи Аҳмаджон Орзиматов ҳам Ешлар Иттифоқи ҳисобидан ажратилган соға-саломлар, хайру-эхсонлар улашишни пахта заводидеги илк учрашувда бошлади. Гилем, радиоприёмник, кир ювчи машинаси, ногиронлар арава-чалари, пул ва бошқа кўпلىб новб ва қийматбахо буюмлар икки кун давомида тарқатилди. Кимга қанча ва нима тарқатилгани билан қизиққанмизда саркофи биз кутмаган жавобни берди: «Ахир ота-боболаримиздан қолган гап бор-ку, «унг қўлинг қилган хайрини, чап қўлинг билмасин», деган. Фалончига фалон сўмлик нарса ёки фалонча пул бердик, деб мақтаниш шартми? Ким нима деса-десин-у, лекин саркофи ҳақ. Хайру-эхсон билан мақтанишмайди. Эҳсон савоб йўлга қилинади.

Зафарободнинг «партизан ҳокими» — Собир акини айрим давраларда шундай «ташаркан — нафас ростлашимизга-да, қўйлади. Заводдан тўппа-тўпри Тошпўлат Эргашев саркорлик қилётган Собир Раҳимов давлат хўжалигига йўл олди. Катта майдон лик тўла одам, бир ёнда кураш, бир ёнда кўчкор уриштириш. Бир ёнда хўро чўкиштириш, бир ёнда дорбозлар. Ҳамма ўзи қизиққан даврада вақтилича қилишарди. Ғайратнинг ширали овози ҳалқни бир ерга тўплади. Муҳаррирининг табриги, Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси саркофининг нуқти, ҳокимнинг сўзи... Яна шеърга уланиб кетди. Кўнглигарга ором бағишлаган, руҳларин аллоповчи мушорадан сўнг Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси «Ешлик», «Камалак» тахририятлари ходимларининг ўз муҳлислари билан учрашувлари бўлди. Сўнгра эса микрофонни яна хонанда-

лар «забт» этишти. Ҳамсафарларимиз — халқимизнинг сеvimли «Лазги» ансамбли хонандаси Гулимнат Собиров бошчилигидаги бир гуруҳ ёш санъаткорларнинг шўх ялларери тadbир иштирокчиларини рақсга чорлади.

Биз одатда раҳбар деганлари савалти, димоғдор, халқдан бир қарич тепада (ўзларича, албатта,) туриши кераклигига кўнглимиз. У кўл остидагиларни сўкиши, тергаш мумкин. Лекин улар билан хурсандчилик қилмайди. Иложи борича уларга тишининг оқини кўрсатмайди. Аксарият раҳбарларимизда заётган эканлар. Маросимда бажонидил қатнашдик. Ушбу мактабда катта шoirлар билан бир қаторда, шоира З. Эгамбердиеванинг кизи 2-синф ўқувчиси Забаржад Эгамбердиева ҳам устод Навойи газалларида намуналар ўқиди...

Бизга бутун кун давомида ҳамроҳ бўлган ноҳида ёшлар билан ишлаш бўйича ҳоким ўринбосари Фахриддин Қамбаровнинг айтишича, айни кунларда ноҳия ёшлари 3 апрель кунини ўтказилажак республика ёшларининг хашарига ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар.

гуруҳи билан хизмат қилди. Улар икки этган куй-қўшиқлар муҳлисларинг қалбидан жой олди.

Сайлгоҳ ичкарисида ҳар бир корхона, ташкилот, хўжалик жамоаси томонидан алоҳида-алоҳида байрам дастурхонлари яратилган. Дастурхонларини томоша қилиб миллий таомларимизнинг ниҳоятда ранг-баранглигига ниҳон келтирасиз. Биз қизиқиб неча хил таом пилан шириб чиқилганини ҳисобламоқчи бўлдик. Бир... йигирма беш... юз, икки юз... Йўқ адашиб кетдик. Кейин ҳеч ҳисобининг чеки йўқ экан, деган

Ҳоким ҳам ўйнади, халқ ҳам ўйнади



шундай «касали бор. Собир акини эса пахта заводидеги ҳам, Собир Раҳимов ва Беруний номли давлат хўжаликлариде (кейинги учрашувларда) ҳақ рақсини ўзи бошлаб берди. Гулимнат икки этган хоразми ва рақс дастаси хонандаси Тўйчи ва Муродилла Шакаронлар, Гулзор Суванқуллова, рақс қилган Дилноза Назарова билан биргаликда бир кунда бутун ноҳияни айланб чиқди. Ҳамма ерда ўйин-кулгуга, яхши давраларга бош бўлди.

Байрам тантаналари барча хўжалик ва жамоаларда бир-бирининг нишонланаётганлиги биз икки гуруҳга бўлидик. Биз бош муҳаррири А. Боллибеков бошчилигида Абу Райҳон Бериуний номидида Давлат хўжалик меҳнатқилари кузурда бўлди. Хўжалик раҳбари Мамадйўр Нуралевнинг ёшлар йигилларида кўп кўрғандик. Энди ўз билан даласида бадан арзон нарҳда гўшт маҳсулотлари келтириб сотишди.

Ҳокимият тақлифи билан ташир буюрган М. Қоривқўлов номидида Ўзбекистон филармониясининг хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов ўз

Биз ўша кунни қаврада бўлмайлик, биздан-да олдинроқ жонкуяр бир опа ўш ерда ҳазир бўларди. Танишдик. Туман маданият уйи бўлими мудири-си Дилбар Умарова эканлар. У киши туман «Чўлуқлар» ашула ва рақс дастаси хонандаси Тўйчи ва Муродилла Шакаронлар, Гулзор Суванқуллова, рақс қилган Дилноза Назарова билан биргаликда бир кунда бутун ноҳияни айланб чиқди. Ҳамма ерда ўйин-кулгуга, яхши давраларга бош бўлди.

Байрам тантаналари барча хўжалик ва жамоаларда бир-бирининг нишонланаётганлиги биз икки гуруҳга бўлидик. Биз бош муҳаррири А. Боллибеков бошчилигида Абу Райҳон Бериуний номидида Давлат хўжалик меҳнатқилари кузурда бўлди. Хўжалик раҳбари Мамадйўр Нуралевнинг ёшлар йигилларида кўп кўрғандик. Энди ўз билан даласида бадан арзон нарҳда гўшт маҳсулотлари келтириб сотишди.

Ҳокимият тақлифи билан ташир буюрган М. Қоривқўлов номидида Ўзбекистон филармониясининг хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов ўз

хулосага келдик. Ҳали кўпчилик учун номалум бўлган таом турларини учратдик. Туман шифокорлари томонидан (бош врач А. Аҳмедов) ёзилган дастурхонда татарон ўсимлиги қайнатиб тайёрланган овқатни кўрдик. Кўриниши роҳовча ўхшаш кетади. Яна тожик миллий таоми бодомширак эътиборинизни тортди. Аччиқ бодомни эзиб, олти соат мобайнида қайнатиб тайёрланган бу таом ўзининг минг дарга даволик хусусияти билан ажралиб тураркан. Зафаробод кичик шаҳарчаси саннатчилар маҳалласи (раиси Бобожон Эсонбоев), тумандаги ҳар тўрт тала банк жамоаси, «Тинчлик» давлат хўжалиги (директори Анвар Маматқуллов) ва бошқа корхона, ташкилот жамоалари томонидан ёзилган дастурхонларда ҳам бугун унутилаётган ана шундай қадимий таом турларига дақ келди.

Ота-боболаримиз Наврўз оқидан ер ҳайдаш учун омонларини, хўкизлар шохини мойлаб, уларни ишга тайялаганлар. Хўнармандлар эса ўз дастурхонларини солашган. Ҳамид Олимжон номидида ижара ширкат бirlашмаси раиси Абдурашид Абдуқеримов айт-

«Ғи, бугдой, гуруч ётказиб бераёзим. Уз ДАВРИНИНГ комусий Фузаловларидан бири бўлиш Ҳожа Али Ҳоким Термизийнинг «Наврўзнома» асариде шундай сатрлар бор: «Агар Наврўзи олам яқинба кун доҳил бўлса, Кўшга тааллуқлидир. Бу йил неъматлар кўп. Фитна ва ёмонлик оз бўлади. Тоғлардаги поллизар, дехдонларнинг экинлари яхши битади. Йил бошида арзончилик, охирида андан қимматроқ бўлса-да, тез ўтади. Экинларни эрта-роқ эккан маъқул».

Биз юқоридидаги сўзларни бежиз келтирмадик. Эйтиб бераган бўлсангиз бу йил йил боши — Наврўзимиз яқинба кунни нишонланди. Бобоқалони-ми башорат этганларидек, йилнинг биринчи кунини халқининг шоду-хуррамчилигига чекуниҳоя бўлмади. Бу йил *ҳар кунинг Наврўз бўлсин, деган тилак рўёбга чиқса, ажаб эмас.

Ислом ҲАМРО, Сирожиддин РАҒУФ, «Туркистон» маҳус муҳбирлари. Ш. ИБРОҲИМОВ суратлари.

[Боши 1-бетда].

Хар бир миллатнинг келажиги у тарбиялаб, воғга ётказган фарзандларига боғлиқ. Бизнинг ҳур Ўзбекистонимизда одобли; истеъдодли, кўноқ болалар шу қадар кўп экан, Президентимиз таъкидлаганидек, унинг келажиги порлоқ бўлади. Болалар боғчаларида тарбияланаётган кичкинтойларнинг чиқишлари, «Чаман», «Кўш» каби болалар жамоаларининг камалакдек товлануви рақсларно, кўноқ қўшиқлари шундан дарак беради. Қолаверса, республика Президентининг жамжи қизлоқлари меҳр билан қўлга олиб, эрқалагани ҳам бекиз эмас.

...Хўжа Насриддин бошчилигидаги масҳараболлар жар солиб, халқини сайилга чорлайди. «Мархабо, Наврўз» вокаль-рақс сўзи» си янги кун — янги йилга бағишлаган қасидага айланган бўлса, композитор Р. Абдуллаевнинг байрам муносабати билан басталган «Наврўз маҳжаси» вокаль-рақс сюитаси кўнглиларга ўзгача хўзуз бағишлади.

Халқлар Дўстлиги майдонига бошланган байрам тантаналари азиям Тошкентнинг истироҳат боғлари, хиёбонлари, маҳалларини, гузарлари оша диньиринга бўйлаб зўр кўноқчи ва шодлик ила одимлайди... Фаворалар отилиб турган боғнинг кўркам гўшалари Тошкентда фойлият кўрсатаётган қозоқ, туркман, тожик, уйғур, қорейс, озарбайжон, бошқирда, татар маданият марказлари ихтироғига бериб қўйилган. Турки миллат вакиллари бу ерда ўз анъаналари, урф-одатлари, пазандлик маҳорати ва санъатини намойиш этмоқдалар. Ҳар ёнда гулган, ўйин-кулгуга, ўртада кўла буюрканг урик шоқлари баҳор шабдасида аста чайқалиб, муаттар бўй таратмоқда. Ҳазрати Навойи боғ тўрида тепалиқдан назар ташлаб,

бу бошигача чўзилиб кетган. Шу ерга ўрнатилган маҳус дастурхонларда бошқай ва қизлоқлар баҳор Байрами манзараларини чиздики. Болалар тасаввурдаги шодана, саҳоватли, серкуш ва одилона дунё наврўз наҳасининг ўзвий тилсоли бўлиб қолди.

Ҳадра... Қанчадан-қанча тарихий воқеалар гувоҳи бўлган, Абдулла Қодирий, Аббор Ҳилолов, Шўкур Бурхонсингари машҳур адиблару ўлмас санъаткорларнинг кутлуг қадими танқан майдон! Шу кун Алишер Навойи но-

рам кунни ҳамма моллар ну-посис сотилади. Тошкентликлар мириқиб хордик чикардиган жой — Қарл Маркс кўчасининг пивдалар юрадиған қисми Наврўз кунини айниқса гажиму бўлди.

Анъанавга кўра кўнанинг икки тарафида Наврўз дастурхони ёзилди. Шаҳарнинг энг яхши пазанда ва шакарпазлари ранг-баранг чодирлар тикишди. Шу кунини анвойи таомлару ширинликлар Наврўз нишонлари билан безатилиб, ҳақиқий санъат асарига айлантирилди. Сабзавот ва мевалардан кўзни қамаштирувчи шакллар ҳосил қилинган. Наврўз дастурхонига сумалак, ҳалим, кўк сёмса, нишода ва бошқа таомлар тортилган. Икитоб савдоси чаққон бўлди. Шу кунни тошкентликлар ва шаҳар меҳмонлари ноширларнинг Наврўзга адеб чиқарган маҳсулотини қизиқиб қўлга олишди. Ҳамма ёндан куй ва қўшиқлар таралиб турарди. Икки сақна — «Зарафшон» ресторани ва Горький номидидаги рус драма театри ёндаги сақналарда эртадан кенгча муомка, қўшиқ тинглаш, рақс томоша қилиш мумкин эди. Наврўз байрами кунини ҳар бир киши халқлар ўртасида тинчликни, тотувчиликни қарор топтирувчи умумбашарий, инсонпарвар қадриятларга ошино бўлди. Эзгулик, ҳамжиҳатлик гоаларини мужассамлаштирган байрам биз ҳаммамиз Ўзбекистонда азалдан таркиб топилган кўп миллатли аҳли она-нинг фарзандлари эканлигини ҳис қилиш имконини берди. Репортажи Узд муҳбирлари Б. Абдуллаев, Аҳмад Ҳўжа, Т. Ботирбеков, И. Гребенюк, А. Иванов, В. Мансуров, П. Нишонов, Л. Струнинкова олиб борди. Наврўз айёми Ўзбекистон мамлакатининг барча вилоятларида катта тантаналар билан бошланди.



«Кел, Наврўзим»

«Кел наврўзим, келмақол наврўз...» Бу дилрабо дўшқ, яқинда Тошкент вилояти дехқончилик санвати мажмуи ҳодимлари касабта уюшмаси кўмитаси уюштирган байрам тадбириде янғиради. Дарҳақиқат, халқимиз байрамларини соғингани рост. Улар кундалик турмуш инкириқчиларию, арзир-арзимас баҳуе-мунозарлардан-да, зериқкан. Қолаверса, биз айни кунларда ҳаржон билан ўтказётган Наврўз, яқин ўтмишимизда турмушимизга зўрлаб тиқиштиришга ҳаракат қилишган «сунъий байрам»лардан эмас. У халқнинг ўзиники. Уни биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам, ота-боболаримизнинг боболари ҳам интиқ куттишган. Пойтахтининг «Саодат» наҳвахонасида ўтказилган, биз юқориде тилга олган байрамда ҳам бу яққол сезилди. Ўзбекининг, қолаверса, бутун шарқликларининг тўйи, тантанаси, умуман олнб айтганда, бирор

Байрам йиғилишида Тошкент вилояти ҳокими муовини Ҳ. Ҳомидов, Республика қаабаба уюшмалари федерацияси раиси муовини М. Тўлаганова, Чиноз тумани ҳокими У. Умаров ва вилоятнинг барча ноҳиялари насаба уюшмалари қўмиталаридан келган меҳмонлар қатнашдилар.

— Наврўз ўз номи билан саҳоват, меҳр-шафқат байрами, — дейди биз билан суҳбатда дехқончилик санвати мажмуи ҳодимлари касабта уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси раиси К. Шодиметов. — Ана шу нунтан назардан келиб чиқиб биз ҳам вилоятимиздаги кам таъминланган, қаровчисиз, муҳтож қариялар ва кўп болалар оилаларга ёрдам сифатида 200 минг сўмлик соғва саломлар топширдик. Мухта-сар қилиб айтганда саҳийлик, саҳоват айёми барча элдошларимизга муборак бўлсин.

И. ҲАМРОЕВ. Суратлар муаллифи Даврон АХМАД.



ЮРАК БИР ҚАЛҚДИ... ҲАЁДАН

Видеон эркинлиги — олий қадрлигимиз



Наврўзга Ҳайит уланиб кетди

ЭРТАГА БУТУН ИСЛОМ ДУНЕСИ ИЙД — РАМАЗОН МАРОСИМИДА ҚАТНАШАДИ

Ислоом олами мусулмонлари катори истиқлол Ўзбекистон Республикасининг аҳли мўминлари ҳам Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг улуғ фарзларидан бири бўлиши Рамазон шарифи ойна сидқу хлос, сабру теҳамул билан ўтказиблар...

Эртага Аллоҳ таолонинг улуғ ва фойз баракотли кунин — Ийд-Рамазон айёми. Бу кун юртимизнинг барча шаҳар ва кентларига, қишлоқ ва овулларига Аллоҳнинг раҳмат нури ёғилганидан кун!

Биз ҳам барча муштарийларимизни Ҳайит айёми билан муборакбод этамиз. Уларга мустақил Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаши йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишларига, ҳамisha омад йўлдош бўлишига тилак билдирамиз.

СУРАТЛАРИ Р. АҚБАРАЛИЕВ, И. ШЕРБЕК, Р. ЖАББОРОВ, ВА С. БОБОЕВ ОЛТИШАН.



БАШАРИЯТ ТАРИХИ аерлар қатида эшлар ва юртларини бир-бири билан боғлаб турган алоқа восталари бўлганини инкор этмайди. Ана шундай алоқа восталаридан бири қадимийлиги ва узунлиги жиҳатидан энг бебаҳо йўл Буюк Инак йўлидир. У орқали қатор савдо марказлари Шардан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа томон тинимсиз қатнаган. Ҳар қандай шароитда ҳам шу карвонлар ўтган йўл ёқасида яшаган халқлар урф-одати, маданияти бир-бирига аралашиб кетган, татсирини ўнганган.

КАРВОН ЎТГАН МАНЗИЛЛАР

қилиб айтилади. Наширети-мизда ул табаррук зот таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан «Ақса»нинг мукаммал нусхаси чоп этилган.

— Шин-Жонлик адабиёт ихлосеманлари ҳозирга замон ўзбек шоир ва ёзувчилари ижоди билан ҳам таъиниши?

ва шоир Тейилжон Илиев (марҳум) каби қўлбал истеъдодли адабларимиз янги уйғур адабиётига асос солишганди. Ҳозир Абдураҳман Ўткир, Зуррид Собир, Мухаммад Эмин Вушур, Усмовжон Совет сингари иқтидорли ижодкорлар уларнинг ашъаналарини давом эттиришмоқда.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ Тахрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЕЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИБЕВ (масъул котиб), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ ва «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ таъсис 1925 йил 8 февралдан «Еш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; Ешлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ешлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ешлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий бешан — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700023, Тошкент, Манзиллар кўчаси, 41-й. Нашр кўрсаткичи: 64607 Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

БИР ГУЛХАН ловуллаб ёнмоқда. Оддий оловмас. Келин гулхани. Ана қаранг, оловнинг шафқатлиг шунчаласи келинчакнинг паранжисиди уйноқлайди. Сизгандирсиз, оловнинг тафти уша лаҳза келинчакнинг юзиди ҳам бўлади. Ҳаёдан унинг юзи лов-лов ёнади. Бунинг келин бўлган билди.

бир ҳаракатлари эмас, турши, кийиниши ҳам «тафти» бўлади. Бу тафтиш каломларини эшитганда қай юрак ҳаёдан бир қалқиб кетмайди. «Саломини қабул қилинг, тафтишга бошқа гал келарми?» деймайди. Айттолмайди. Келинлик ибоси йўл қўймайди.

«Бир дам ўзумдин ўлмадим...»

МАЪЛУМКИ, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган қозимлик истеъдодли шоир, муаррих, қилқалам ҳатот Шермухаммад Авазбий ўғли Мунис катта адабий мерос қолдирган. У ўз даврининг етуқ шахсларидан бири бўлиб, ориф даражасига етишган алломадир.

Келгуси сонда:

- ТУИХО НАДА БИР БАЙРАМ БУЛДИ... ● АМРИҚО — СЕХРЛИ ДИЕР ● ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Газета саҳифаланаётганда Ҳа А мухбирларидан қўйидаги қувонгли хабарларни олдинг. Унда айтилишича:

АВТОБУС БЕПУЛ БУЛДИ Қувасойлик мактаб ўқувчилари ва барча тоифадаги ногиронлар шаҳар автобусларида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлди. Гап шунданки, шаҳардаги 73-автокорхона касабга уюшмаси қўмитаси Наврўз айёмида ана шу қўлайлигини яратиб берди. Барча сарф-харажатлари автокорхона даромадлари ҳисобидан қоплайди.

САҲИЙЛИК Андижон мева ва сабазот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси жамоаси Наврўз арафасида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

ЭНГ СЎНГИ ХАБАР Амриқо Қўшма Штатларига олтин кунга таъриф буюрган Туркистон Президенти Сапармурод Ниязов неча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиб Бутрос Бутрос Голли билан учрашди.



Сирожиддин РАУФ гурунлашди. Қўпаяётганлиги мени қувонтирди. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, Ўзбекистон қадимги обрў-эътибори ва нуфузини қайта тиклашига шубҳа йўқ.